БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭСАНКУЛОВА БУСТОНОЙ СОБИРОВНА

ТУХУМДОН РАКИ МИКРОМУҲИТИДА ИММУН СИСТЕМА ВА ҚОН-ТОМИР АНГИОГЕНЕЗИ ФАКТОРЛАРИ ЎСМА ПРОГРЕССИЯСИДАГИ РОЛИНИ ЎРГАНИШ

14.00.14-Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2026

УЎК:618.11-006.6-036.1:577.2:615.277.3

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Эсанкулова Бустоной Собировна
Тухумдон раки микромуҳитида иммун система ва қон-томир ангиогенези факторлари ўсма прогрессиясидаги ролини ўрганиш 3

Эсанкулова Бустоной Собировна
Исследование роли факторов иммунной системы и сосудистого ангиогенеза в микроокружении опухоли на прогрессию рака яичников.....21

Esankulova Bustonoy Sobirovna
Investigation of the role of immune system factors and vascular angiogenesis in the tumor microenvironment in the progression of ovarian cancer……...40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works….....……43

БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭСАНКУЛОВА БУСТОНОЙ СОБИРОВНА

ТУХУМДОН РАКИ МИКРОМУҲИТИДА ИММУН СИСТЕМА ВА ҚОН-ТОМИР АНГИОГЕНЕЗИ ФАКТОРЛАРИ ЎСМА ПРОГРЕССИЯСИДАГИ РОЛИНИ ЎРГАНИШ

14.00.14-Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Tib5165 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.bgokim.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	**Улмасов Фирдавс Гайратович** тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Алимходжаева Лола Тельмановна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 17А-уй. Тел.: (+99871) 203-11-03, факс: (+99871) 203-11-03; e–mail: info@bgokim.uz).

Диссертация билан Болалар онкология, гематология ва иммунология маркази Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси 17А-уй. Тел./факс: (+998 71) 203-11-03).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____»_____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Ш. Полатова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлар доктори, профессор

Г.Б. Мамедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар номзоди

Г.А.Юсупалиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Йирик тадқиқот марказларининг маълумотларига кўра, «...тухумдон саратони дунё бўйича аёлларда онкологик ўлимнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланиб, ўсма микромуҳитида иммун тизими фаолияти ва қон-томир ангиогенези жараёнларининг ўзаро таъсири ўсманинг прогрессияси, метастазланиши ҳамда давога чидамлилигини белгилайди» шу боис ушбу механизмларни чуқур ўрганиш замонавий биомаркерлар ва мақсадли терапия усулларини ишлаб чиқишда долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга[1].

Жаҳон миқёсида иммун тизими омиллари ва ангиогенезнинг ўсма микромуҳитидаги роли тушунчасини кенгайтириш, даволаш стратегияларини янгича йўналишда ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар яратади. Иммун жавобни модуляция қилиш ва ангиогенезни ингибирлашга қаратилган таргетланган терапия тухумдон ракини даволаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Масалан, VEGF ингибиторлари ёки иммун жавоб назорати нуқталарини (масалан, PD-1/PD-L1) блокловчи препаратлардан фойдаланиш клиник тадқиқотларда умидбахш натижаларни кўрсатмоқда. Бу ёндашув ракка қарши иммунотерапияда истиқболли стратегиялардан бири сифатида қаралмоқда. Бундан ташқари, ангиогенез жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Яъни, янги қон томирлари ҳосил бўлиши жараёни ўсмалар ўсиши ва метастаз беришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўсма томирлари учта турли манбадан шаклланади: ангиогенез — «мавжуд томирлар тармоғидан янги томирлар ўсиши», васкулогенез ва бошқалар. Бу жараён гипоксия, ўтказувчанликнинг ошиши ва ўсма тўқимасидаги босимнинг ортишига хизмат қилиб, ўз навбатида, янада кучлироқ ангиогенез ва ўсманинг ривожланишига туртки беради[2].

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалар белгиланган[3]. Ушбу вазифалар тухумдон саратони билан касалланган аёлларда ўсма микромуҳитидаги иммун тизими ва қон-томир ангиогенези омилларининг ўзаро таъсирини чуқур ўрганиш орқали

---

[1] World Health Organization. (2023). Ovary cancer. WHO Mortality Database.

[2] International Agency for Research on Cancer. (2020). Global Cancer Observatory: Ovary fact sheet. Lyon: World Health Organization.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

саратоннинг кечиши ва даволаш самарадорлигини яхшилашга қаратилган. Бу йўналишдаги илмий изланишлар Ўзбекистонда онкология соҳасини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, индивидуал терапия усулларини жорий этиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябр «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-402-сонли Фармони, 2022 йил 28 январдаги "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сонли Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги "Тиббий профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4891-сонли Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади, шунингдек, ушбу соҳадаги фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам боғлиқдир[4].

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[5]. Дунё бўйлаб йирик илмий ва олий ўқув марказларида, тухумдон саратони микромуҳитида иммун тизим ва қон-томир ангиогенези факторларининг ўрни бўйича лаборатория ва клиник тадқиқотлар олиб борилмоқда, хусусан University of Sydney(Австралия), King's College Hospital, (Буюк Британия), University of Barcelona (Испания), New York University School of Medicine, Stanford University, Columbia University, University of Illinois (АҚШ), University of Pavia, University of Pisa, (Италия), Paris Descartes University, (Франция), University of Belgrade (Сербия), ГОУ ВПО И. М. Сеченов Москва тиббиёт Академияси (Россия), Самарқанд давлат тиббиёт университетида (Ўзбекистон).

Бу тадқиқотлар асосан ўсма микромуҳити ва иммун ҳужайралари, цитокинлар ўртасидаги ўзаро таъсирни ҳамда қон-томир ангиогенезининг ўсма прогрессиясига таъсирини таҳлил қилишга қаратилган. Бир қатор хорижий марказларда (Johns Hopkins University) иммун тизими компонентлари ва ўсма ҳужайралари ўртасидаги ўзаро таъсир ҳамда унинг клиник натижаларга таъсири тадқиқ қилинган. VEGF-A ва TGF-β оиласига мансуб ангиогенез сигнал йўлларининг фаолияти ва уларнинг ўсма

---

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябр «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-402-сонли Фармони

[5] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.sydney.edu.au, www.cdhb.health.nz, www.kch.nhs.uk, www.ub.edu, www.mad.nyu.edu, www.stanford.edu, www.columbia.edu, www.illinois.edu, www.wcm-3.unipv.it, www.unipi.it, u-paris.fr, www.bg.ac.rs, www.ncagp.ru ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

прогрессияси билан боғлиқлиги таҳлил қилинган (King’s College Hospital, (Буюк Британия)).

Шунингдек, турли фармакологик ва биологик ингибиторлар орқали иммун ва ангиогенез механизмларини нишонга олган тадқиқотлар ҳам амалга оширилмоқда, бу эса тухумдон саратони билан касалланган беморлар учун прогнози яхшилаш ва индивидуал терапевтик стратегияларни ривожлантириш имконини беради (University of Tokyo, Paris Descartes University).

Самарқанд давлат тиббиёт университетида олиб борилаётган тадқиқотлар эса Ўзбекистон аҳолисининг аёллари орасида тухумдон саратони билан боғлиқ иммун ва ангиогенез механизмларини таҳлил қилиш, уларнинг генетик, биохимик ва цитокин профилларини клиник натижалар билан боғлашга қаратилган. Бу тадқиқотлар Ўзбекистонда аёлларда тухумдон саратони самарали даволаш ва профилактика қилиш стратегияларини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иммун тизими омиллари ва қон-томир ангиогенези тухумдон саратони микромуҳитида муҳим роль ўйнайди ва уларнинг ўсманинг прогрессиясига таъсири жаҳон олимлари томонидан фаол ўрганилмоқда. Сўнгги тадқиқотлар кўрсатадики, PD-1/PD-L1 иммун назорат нуқталари ва Т-ҳужайра фаолиятсизланиши ўсманинг иммундан қочишига сабаб бўлади (Zhang et al., 2021; Hamanishi et al., 2015). Ассоциирланган макрофаглар VEGF-A ва TGF-β орқали ангиогенезни ва ўсма инвазиясини рағбатлантирса, табиий киллер-ҳужайралар фаолияти иммунодепрессив молекулалар таъсирида пасаяди (Yin et al., 2019; Liu et al., 2020). VEGF юқори экспрессияси касалликнинг тез ривожланиши ва паст ҳаёт сифатлари билан боғлиқ бўлиб, уни ингибитори бевацизумаб самарали терапевтик таъсир кўрсатади (Ferrara et al., 2014). Шунингдек, патологияли капиллярлар гипоксия ва ангиогенезни фаоллаштириб, метастазлар ривожланишини рағбатлантиради (McDonald & Baluk, 2002). Мавжуд илмий маълумотлар иммунологик ва ангиогеник механизмларни тушуниш ва тухумдон саратони диагностика ва даволаш стратегияларини такомиллаштириш имконини беради.

Гипоксия ўсма микромуҳитида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, HIF-1α орқали VEGF ва бошқа молекулалар экспрессиясини фаоллаштириб, ангиогенез ва ҳужайра миграциясини кучайтиради (Semenza, 2012). VEGF ва бошқа сигнал йўллари ангиогенез ва иммуносупрессия ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди (Gabrilovich et al., 2012), шунингдек PD-L1 ва VEGF экспрессияси тухумдон ракида мустақил прогностик омил ҳисобланади (Xu et al., 2017). BRCA1/2 ва TP53 генлари мутациялари ҳам ўсма микромуҳити ва ангиогенезга таъсир қилади (Patch et al., 2015). Ўсма микромуҳитида Т-лимфоцитлар фаоллигини пасайтирадиган иммуносупрессив муҳит шаклланади, бу ҳолат ингибирловчи рецепторлар ва цитокинлар орқали намоён бўлади. Т-ҳужайралар функциясини тиклаш учун ингибирловчи рецепторларни блоклайдиган антитаначалар самаралидир. Ангиогенез ўсма ўсиши, инвазия ва метастазланишда ҳал қилувчи роль ўйнайди, унда стромал ва иммун ҳужайралар ҳамда матрикс компонентлари

фаол иштирок этади. Россия ва жаҳондаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иммун микромуҳити ва ангиогенез ўзаро боғлиқ жараёнлар бўлиб, уларни мақсадли терапевтик усуллар орқали ўзгартириш тухумдон ракини даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Иммунокомпетент ҳужайралар билан инфильтрацияланган ўсмалар химиотерапияга жавоб ва баъзи молекуляр тоифали ракида яшовчанликни белгилайди.

Ўзбекистонда тухумдон раки патогенези ва унинг микромуҳитидаги иммун тизими ҳамда ангиогенез жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Мамадалиева Я. С. ва Бабажанова Н. З. 2021 йил ўз ишларида апоптоз, пролиферация ва ангиогенез маркерлари (Ki-67, CD34, VEGFR, p53)нинг ўсма агрессивлиги ва касаллик прогнозига таъсирини таҳлил қилганлар. Шунингдек, Аҳмедов А. С. ва Орипов Ф. С. 2020 йй тухумдоннинг ёмон сифатли ўсмаларида васкуляризация ва молекуляр-генетик диагностика усулларининг аҳамиятини кўрсатиб, ушбу жараёнларнинг даволаш самарадорлиги ва прогноз билан боғлиқлигини таъкидлаганлар. Ушбу тадқиқотлар тухумдон раки бўйича шахсийлаштирилган диагностика ва терапия стратегияларини ривожлантиришда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўтказиладиган тадқиқот шуни кўрсатадики, тухумдон саратони билан касалланган беморларда иммун ва ангиогенез маркерларини прогнози ва терапевтик индикатор сифатида рационал қўллаш нафақат халқаро ва кўпмарказли тадқиқотлар натижаларини жорий этиш орқали, балки уларнинг экспрессияси ва ўсма микро-муҳитидаги ўзаро боғлиқлигини иммуногистохимик ва молекуляр таҳлил орқали ҳам амалга оширилади. Шу муносабат билан мазкур иш диссеминациялашган тухумдон саратони билан беморларни индивидуал терапия самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, унда VEGF, HIF-1α ва PD-L1 маркерларини комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўсма ривожланиши ва иммун тизим жавобига таъсири баҳоланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетида 2021–2024 йиллар давомида амалга оширилган режали илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган. Тадқиқот институтининг № 0012400287-сонли илмий мавзуси «Тухумдон раки микромуҳитида иммун система ва қон-томир ангиогенези факторлари ўсма прогрессиясидаги ролини ўрганиш» билан тўлиқ мос келади.

Тадқиқот мақсади: тухумдон ракининг диссеминацияланган шаклларида ўсма микромуҳитининг шаклланишида иммун тизими омиллари ва қон томир ангиогенези ролини ҳамда уларнинг касаллик прогрессиясига таъсирини баҳолаш, шу орқали патогенетик механизмларнинг асосий боғинларини ва ташхис ҳамда терапияни такомиллаштириш учун истиқболли мўлжалларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диссеминацияланган тухумдон саратони шаклларида ўсма микромуҳитидаги ҳужайра компонентларини (Т-лимфоцитлар, макрофаглар, NK-ҳужайралар) ва уларнинг функционал ҳолатини ўрганиш;

ўсма-ассоцияланган макрофаглар (ОАМ) роли ҳамда ўсма тўқималари ва метастазларда ангиогенез омиллари (VEGF, CD31, HIF-1α) экспрессиясининг касаллик прогрессиясига таъсирини аниқлаш;

ўсма микромуҳитида янгидан шаклланган қон-томирларининг морфологик ва функционал хусусиятлари ҳамда иммун ҳужайра фаолияти билан ангиогенез омиллари даражаси ўртасидаги корреляцияни тасвирлаш;

жараён оғирлигини ва беморлар яшаш давомийлигини баҳолаш учун асосий прогностик маркерларни аниқлаш;

микромуҳитнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, иммунотерапия ва антиангиоген терапияни ўз ичига олган комбиниралган терапия бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Р Самарқанд филиали онкогинекология бўлимида стационар даволанган, морфологик тасдиқланган диссеминацияланган тухумдон саратони (III A–IV босқич) билан касалланган 135 бемор қамраб олинди.

Тадқиқотнинг предмети. Иммун ҳужайралар: Т-лимфоцитлар: $CD4^+$ (хелперлар) ва $CD8^+$ (цитотоксик ҳужайралар), ўсмага қарши иммун жавобда асосий роль ўйнайди. Ўсма-ассоцияланган макрофаглар (TAM): M1-подтиплари ўсмага қарши фаолият юритса, M2-подтиплари иммуносупрессия ва ангиогенезни қўллаб-қувватлайди. NK-ҳужайралар: табиий киллерлар, рак ҳужайраларини йўқ қилади. Ангиогенез омиллари: VEGF: янги қон-томирларини шакллантиришни рағбатлантирувчи асосий регулятор. CD31: микротомирлар зичлигини акс эттирадиган маркер. HIF-1α: гипоксия шароитида фаоллашадиган оқсил, ангиогенез омиллари экспрессиясини назорат қилади. Иммун жавобни блокловчи маркерлар: PD-L1: Т-лимфоцитларнинг фаоллашувини тўсади ва иммунодепрессив муҳит яратади. Ангиогенез билан боғлиқ бошқа маркерлар: VEGF ва гипоксияга жавобан фаоллашадиган оқсиллар (HIF-1α) ўсмада қон-томирларини ўсиши ва адаптациясида муҳим. Ўсма тўқимаси ва метастазлар тармоғидаги қон-томирлари. Ўсма ва атроф тўқималарда иммун ҳужайралар инфильтрацияси даражаси. Асцит суюқлиги: унинг ҳужайра таркиби, ўсиш омиллари ва цитокинлар концентрацияси. Клиник параметрлар: касаллик босқичи, канцероматоз тарқалиши, ўсма гистологик шакли. Беморларнинг яшаш давомийлиги ва касаллик прогрессияси кўрсаткичлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда лаборатория ва клинико-статистик баҳолашнинг замонавий усуллар тўплами қўлланилди. Морфологик тасдиқланган диссеминацияланган тухумдон саратони (III A–IV босқич) билан оғриган, қатъий киритиш/чиқариш мезонларига мувофиқ танланган 135 нафари бемор проспектив равишда текширилди. Касаллик босқичини аниқлаш учун стандарт клиник ва инструментал текширувлар ўтказилди: ультратовуш

текшируви, КТ (компьютер томография), МРТ ҳамда диагностик лапароскопия.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диссеминацияланган тухумдон саратонида ўсма микромуҳитидаги иммун ҳужайралар — Т-лимфоцитлар, макрофаглар ва NK-ҳужайралар популяция таркиби касалликнинг клиник босқичлари ҳамда карценоматоз тарқалиш даражаси асосланганўсма-ассоцияланган макрофагларнинг тарқалиш хусусиятлари ва уларнинг VEGF орқали ангиогенезни фаоллаштириши ҳамда гипоксик иммуносупрессив муҳит шаклланиши билан боғлиқ экани ўрганилиб, бу жараёнлар ўсмага қарши иммун жавобни сусайтириш механизми билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди;

ўсма-ассоцияланган макрофагларнинг тарқалиш хусусиятлари ва уларнинг VEGF орқали ангиогенезни фаоллаштириши ҳамда гипоксик иммуносупрессив муҳит шаклланиши билан боғлиқ экани ўрганилиб, бу жараёнлар ўсмага қарши иммун жавобни сусайтириш механизми билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди;

гипоксия ва ангиогенез ўртасидаги ўзаро боғлиқлик илк марта аниқланиб, VEGF, CD31 ва HIF-1α омиллари экспрессияси орқали бирламчи ва метастатик ўчоқларда тавсифланди ҳамда диссеминацияланган тухумдон саратонида қон томирларининг морфологик ва функционал хусусиятлари ўсма инвазияси ва метастаз жараёнларини рағбатлантирувчи асосий омиллар сифатида асосланган;

диссеминацияланган тухумдон саратонида PD-L1 ва CTLA-4 иммун маркерлари ҳамда VEGF ва HIF-1α ангиогенез омилларининг биргаликдаги юқори экспрессияси илк маротаба касаллик оғирлигини ва беморларнинг умумий яшаш давомийлигини башорат қилиш учун ишончли прогностик мезон сифатида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таъкидланган маркерларни клиник амалиётга жорий қилиш диссеминацияланган тухумдон саратонини ташҳис қилиш, прогнозини баҳолаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришда ёрдам берган;

ўрганилган прогностик маркерлар (VEGF, HIF-1α, PD-L1 ва бошқалар) клиник амалиётда беморларни хавф даражаси бўйича стратификация қилиш, касаллик динамикасини кузатиш ва умумий яшаш давомийлигини баҳолашда самарадорлигини оширган;

иммун кўрсаткичлар (Т-лимфоцитлар инфильтрацияси, PD-L1 экспрессияси) ва ангиогенез омиллари (VEGF даражаси, ўсма васкуляризацияси) ни ҳамкорликда баҳолаш ўсма жараёнининг агрессивлиги ва терапия самарадорлигини аниқроқ прогноз қилишнинг зарурлиги асосланган;

ушбу натижалар онкология ва соғлиқни сақлаш тизимида катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, шахсийлаштирилган терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш ва ўсма микромуҳитини модуляция қилишга қаратилган ёндашувларни такомиллаштириш учун асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда гистологик,

иммуногистохимик, молекуляр-биологик (ПЦР, ИФА), микроскопик ва статистик ёндашувларни ўз ичига олган замонавий диагностика ва таҳлил усуллари мажмуи қўлланилди. Оқим цитометрияси ва биомаркерларни таҳлил қилиш қўлланилиши объектив ва қайта тикланадиган натижаларни олиш имконини берди. Ҳажми 135 нафар диссеминацияланган тухумдон саратони билан оғриган беморни қамраб олган намуна тадқиқотнинг статистик кучини таъминлайди. Беморлар қатъий кириш/чиқариш мезонларига асосан танланган бўлиб, бу қўшма касаллик омилларининг натижаларга таъсирини минималлаштиради. Барча текширувлар халқаро стандартлар ва лаборатория диагностика протоколларига мувофиқ бажарилган, натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Т-лимфоцитлар, ўсма билан боғлиқ макрофаглар ҳамда VEGF, HIF-1α ва CD31 каби ангиогенез маркерлари иштирокида тухумдон раки микромуҳити шаклланиши ва касаллик прогрессиясидаги роли илмий равишда аниқланди; иммун фаоллик, гипоксия ва ангиогенез ўртасидаги ўзаро боғлиқлик илк бор диссеминацияланган шаклларда тадқиқ этилди, бу касаллик патогенезини чуқурроқ тушуниш ва янги терапевтик мишенларни аниқлаш имконини берди, шунингдек, VEGF, CD4+, CD8+ ва CD68+ каби юқори прогностик аҳамиятга эга молекуляр ва ҳужайравий маркерлар беморларни стратификация қилиш ва касаллик натижаларини аниқ прогноз қилишда муҳим роль ўйнаши тасдиқланди.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссеминацияланган тухумдон ракини ташҳис қилиш, прогнозлаш ва даволаш тактикасида самарадорликни оширишга қаратилган. Ўрганилган маркерларни клиник амалиётга жорий қилиш ташҳисни такомиллаштириш ва ўсма микромуҳитини модуляция қилишга йўналтирилган шахсийлаштирилган терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш учун асос яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июньдаги 21/64-сон хулосасига кўра:

Илмий янгилиги: Ўзбекистон Республикасида илк бор тухумдон ракининг микромуҳитида иммун тизими ва ангиогенез омилларининг ўзаро таъсири ҳамда уларнинг ўсма прогрессияси ва прогноз кўрсаткичларига таъсири кенг қамровли илмий-амалий асосда ўрганилди:

Биринчи илмий янгилиги илк бор диссеминацияланган тухумдон саратони кескин шакллари микромуҳитидаги иммун ҳужайралар популяцияси (Т-лимфоцитлар, макрофаглар, NK-ҳужайралар) таркибини босқич ва канцероматоз тарқалиш даражаси бўйича ишлаб чиқилиши бўйича таклифлар Самарқанд Давлат Тиббиёт университети мувафақлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 24-март 3-сон билан тасдиқланган «Иммун тизими ва қон-томир ангиогенези омилларининг ўсма микромуҳитидаги ўрни: тухумдонлар диссеминацияланган саратонида диагностик ва терапевтик жиҳатлар»; «Диссеминацияланган тухумдонлар саратонини даволашда комплекс ёндашувлар: иммунотерапия ва антиангиоген стратегиялар» номли

услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят филиали 2025 йил 23 апрелдаги 33-сон буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиали 2024 йил 24 апрелдаги 38-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июньдаги 21/64-сон хулосаси). Тадқиқот натижаларига кўра, HIF-1αнинг юқори экспрессияси ўсмадаги гипоксик ҳолатни кучайтириши, шу билан бирга $CD8^+$ ва $CD4^+$ лимфоцитлар фаоллигининг пасайиши билан боғлиқлиги илк бор аниқланди. Бу ҳолат тухумдон саратонининг иммун қочиш механизмлари ва гипоксик иммуносупрессия жараёнларини илмий жиҳатдан изоҳлаш имконини берди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу маълумотлар тухумдон саратонини эрта босқичда аниқлаш, прогнозини баҳолаш ва шахсийлаштирилган терапевтик тактикани ишлаб чиқишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* аниқланган маркерлар асосида касаллик оғирлигини башорат қилиш имкони кеч босқичдаги беморларга ажратиладиган ортиқча даволаш харажатларини тахминан 5–6% га қисқартириш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилиги ўсма-ассоциялашган макрофаглар (ОАМ) тарқалиш хусусиятлари ва уларнинг иммуносупрессив микромуҳит шаклланишида функционал роли аниқланган хамда VEGF ангиогенез омиллари секрецияси ва гипоксик иммуносупрессив муҳит шаклланиши ўртасидаги тўғридан-тўғри корреляцияси исботланганлиги бўйича ишлаб чиқилиши бўйича таклифлар Самарқанд Давлат Тиббиёт университети мувафақлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 24-март 3-сон билан тасдиқланган «Иммун тизими ва қон-томир ангиогенези омилларининг ўсма микромуҳитидаги ўрни: тухумдонлар диссеминациялашган саратонида диагностик ва терапевтик жиҳатлар»; «Диссеминациялашган тухумдонлар саратонини даволашда комплекс ёндашувлар: иммунотерапия ва антиангиоген стратегиялар» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят филиали 2025 йил 23 апрелдаги 33-сон буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиали 2024 йил 24 апрелдаги 38-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июньдаги 21/64-сон хулосаси). Макрофаглар фаоллиги ўсмадаги гипоксия ва ангиоген жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, улар ўсма тўқимасининг микроциркуляциясини таъминлаш ва ўсиш потенциалини кучайтиришда асосий роль ўйнаши аниқланди. *Ижтимоий самарадорлиги:* бу натижа иммун микромуҳитни модуляция қилувчи янги иммунотерапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* макрофаг фаоллигини баҳоловчи тестларни жорий этиш орқали антиангиоген терапияни фақат юқори хавфли беморларда

қўллаш имкони яратилади, бу эса умумий даво харажатларини 8–10% га қисқартириш имконини беради.

Учинчи илмий янгилиги гипоксия ва ангиогенез ўртасидаги ўзаро боғлиқлик илк бор VEGF, CD31 ва HIF-1α омиллари экспрессияси орқали бирламчи ва метастатик ўчоқларда тавсифланиб уларнинг ўсма инвазияси ва метастаз жараёнлари асосланганлиги ишлаб чиқилиши бўйича таклифлар Самарқанд Давлат Тиббиёт университети мувафақлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 24-март 3-сон билан тасдиқланган «Иммун тизими ва қон-томир ангиогенези омилларининг ўсма микромуҳитидаги ўрни: тухумдонлар диссеминацияланган саратонида диагностик ва терапевтик жиҳатлар»; «Диссеминацияланган тухумдонлар саратонини даволашда комплекс ёндашувлар: иммунотерапия ва антиангиоген стратегиялар» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят филиали 2025 йил 23 апрелдаги 33-сон буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиали 2024 йил 24 апрелдаги 38-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июньдаги 21/64-сон хулосаси. Олинган натижалар PD-L1 ва HIF-1α юқори экспрессиясида беморларда яшовчанлик кўрсаткичининг пасайиши, VEGF ва CTLA-4 даражаси юқори бўлганда эса ўсма рецидив эҳтимолининг ортадигани билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу маркерлар орқали касаллик ривожланиш хавфини аниқ стратификация қилиш имкони туғилди, бу эса беморларни индивидуал назорат остида даволашга йўналтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* иммунотерапияга номзодларни тўғри танлаш орқали дори сарфини 12–15% га қисқартириш имкони яратилди.

Тўртинчи илмий янгилиги диссеминацияланган тухумдон саратонида PD-L1 ва CTLA-4 иммун маркерлари ҳамда VEGF ва HIF-1α ангиогенез омилларининг биргаликдаги юқори экспрессияси илк маротаба касаллик оғирлигини ва беморларнинг умумий яшаш давомийлигини башорат қилиш учун ишончли прогностик мезон сифатида исботланган ва ушбу алгоритм клиник амалиётда синовдан ўтказилиб, таклифлар Самарқанд Давлат Тиббиёт университети мувафақлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 24-март 3-сон билан тасдиқланган «Иммун тизими ва қон-томир ангиогенези омилларининг ўсма микромуҳитидаги ўрни: тухумдонлар диссеминацияланган саратонида диагностик ва терапевтик жиҳатлар»; «Диссеминацияланган тухумдонлар саратонини даволашда комплекс ёндашувлар: иммунотерапия ва антиангиоген стратегиялар» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят филиали 2025 йил 23 апрелдаги 33-сон буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиали 2024 йил 24 апрелдаги 38-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш

вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июньдаги 21/64-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* янги алгоритм беморларда рецидивсиз даврни узайтириш ва яшовчанликни оширишга хизмат қилди, шунингдек, иммунотерапия ва антиангиоген усулларни тўғри танлаш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ортиқча кимё- ва нур терапия курсларини камайтириш ҳисобига ҳар бир бемор учун ўртача 3,2–4,5 млн сўм бюджет маблағи тежалиши таъминланди. Ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш алгоритмлари тухумдонлар диссеминацияланган саратони билан касалланган беморларда касалликни аниқлаш сифатини ва комплекс даволаш самарадорлигини оширишга, рецидивсиз даврни узайтиришга ҳамда прогнозни яхшилашга хизмат қилди. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган комплекс клиник-диагностик ёндашув тухумдон саратонини эрта диагностика қилиш сифатини оширишга, даволаш тактикаси ва прогнозни такомиллаштиришга хизмат қилади, шунингдек, Ўзбекистонда онкогинекологик ёрдам тизимини ривожлантириш ва оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. *Хулоса:*Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган комплекс клиник-диагностик ёндашув тухумдон ракини эрта ташхислаш, даволаш тактикасини аниқлаш ва прогнозни баҳолаш сифатини ошириб, мамлакатда онкогинекологик ёрдам тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик кўрсатилади ва тадқиқотнинг амалий натижалари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти, амалиётга татбиқ этилиши, апробация тадқиқоти натижалари, чоп этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар очиб берилади.

Диссертациянинг биринчи боби **«Тухумдон саратони: эпидемиологияси, клиникаси ва диссеминация жараёнининг хусусиятлари»** адабиётларни кўриб чиқишга бағишланган бўлиб, бешта кичик бобдан иборат бўлиб, жаҳон ва минтақада тухумдон саратони бўйича

эпидемиологик маълумотлар келтирилган, касалликнинг юқори ўлим кўрсаткичи ва эрта ташхис қийинчилиги таъкидланган. Адабиётлар тахлилида, ўсма микромуҳитининг ҳужайравий таркиби (иммун ҳужайралари, стромал ҳужайралар) ва молекуляр омиллари кўриб чиқилган. Иммун тизимининг ўсмага қарши назоратдаги роли, шу жумладан, ўсманинг иммун назоратдан қочиш механизмлари (PD-L1 экспрессияси, Т-лимфоцитлар ҳолсизлиги ва ҳ.к.) атрофлича ёритилган. Хавфли ўсмаларда ангиогенез жараёнлари алоҳида кўриб чиқилган: янги томирларнинг ўсишини рағбатлантирувчи омиллар (VEGF ва бошқалар) ва гипоксиянинг ўсма агрессивлигига таъсири тушунтирилган. Тухумдон саратонида замонавий даволаш усуллари шарҳланган, жумладан: химиятерапия, мақсадли антиангиоген дорилар (масалан, бевацизумаб) ва янги иммунтерапевтик ёндашувлар (иммун назорат нуқталарини ингибиторлари – анти-PD-1/PD-L1, анти-CTLA-4) клиник тадқиқотлар учун зарур бўлган мезонларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилинган. Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирган хулоса билан тугаган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот дизайни ва беморлар гуруҳининг характеристикаси»** иккинчи бобида ўтказилган тадқиқотнинг дизайни ва методологияси баён этилган. Тадқиқот 2020–2025 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали базасида олиб борилган. Клиник материал сифатида III–IV босқичдаги диссеминацияланган эпителиал тухумдон саратонига ва қорин бўшлиғида канцероматоз ҳамда асцит билан оғриган 135 нафар аёл бемор жалб қилинган. Тадқиқотга киритиш мезонлари сифатида тухумдон саратонининг морфологик тасдиғи ва қорин бўшлиғида метастаз мавжудлиги белгиланган; иммун тизими ёки ангиогенезга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамроҳ касалликлар тадқиқотдан четлатилган. Касаллик босқичи клиник ва ташхис текширувлари асосида аниқланган. Асосий таҳлил усуллари гистологик ва иммуногистохимик баҳолаш (CD4, CD8, CD68, VEGF, CD31, HIF-1α, PD-L1, CTLA-4), шунингдек, асцит суюқлигининг цитологик ва иммунологик таҳлилидан иборат бўлган. Натижалар миқдорий усуллар орқали таҳлил қилинган: иммун ҳужайралар зичлиги (1 мм² тўқимадаги мусбат ҳужайралар сони), молекуляр ва ҳужайравий маркерлар экспрессияси балл шаклида, ўсмада микроқон-томир зичлиги (MVD) аниқланган. Статистик таҳлил қаторлари босқичларга кўра гуруҳларни солиштириш, биринчи ўсма ва метастазлар фарқини баҳолаш, микромуҳит кўрсаткичлари ўртасида корреляцияларни аниқлаш, регрессия моделлари орқали прогноз кўрсаткичларини баҳолаш ва биологик маркерлар бўйича ҳаёт давомийлигини Kaplan–Meier усулида таҳлил қилишни ўз ичига олган. Тадқиқот барча халқаро этик стандартларга мувофиқ олиб борилган: беморлардан хабардор розилик олинган ва маҳаллий этика қўмитаси томонидан маъқулланган.

1-жадвал

Ўсмаларнинг клиник характеристикаси ёш гуруҳлари бўйича

Ёш гуруҳи	Муциноз карцинома	Ёруғ ҳужайрали карцинома	Сероз карцинома	Эндометриоид карцинома
25-40	38	24	16	29
41-55	38	30	20	17
56-70	28	32	16	35
χ^2 қиймати: 9.80, p-қиймат: 0.133, Эркинлик даражалари: 6				

Ушбу жадвалда диссеминацияланган тухумдон саратони билан касалланган беморлар орасида ўсманинг гистологик турлари (сероз карцинома, эндометриоид карцинома, муциноз карцинома, ёруғ ҳужайрали карцинома)нинг тақсимоти ёш гуруҳлари бўйича (25-40 ёш, 41-55 ёш ва 56-70 ёш) келтирилган. Энг кўп учрайдиган гистологик тур – сероз карцинома – барча ёш гуруҳларида энг юқори учраш частотасига эга экани кузатилган. χ^2-таҳлил ёш гуруҳлари ўртасида ўсма турлари тақсимоти бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатди ($p = 0.133$). Клиник характеристикалар ва беморларнинг ёш гуруҳлари (ёшда) бўйича тақсимоти келтирилган умумлаштирилган жадвал тақдим этилган.

Таҳлил натижаларига кўра, ёш гуруҳлари бўйича тухумдон карциномаси турларининг тақсимотида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади ($p>0,05$). Диаграмма FIGO III–IV босқичдаги беморларда сероз, эндометриоид, муциноз ва ёруғ ҳужайрали карцинома турларининг нисбий улушини кўрсатган: сероз карцинома барча босқичларда энг юқори улушга эга, эндометриоид карцинома асосан эрта босқичларда учрайган, муциноз карцинома нисбатан кам ва барқарор, ёруғ ҳужайрали карцинома эса кеч босқичларда ўсган. Ушбу маълумотлар карцинома турларининг эпидемиологияси ва уларнинг босқичлар бўйича динамикасини баҳолаш, шунингдек, клиник ташхис ва терапияни режалаштиришда қимматли асос сифатида қўлланилган.



1-расм. Ёш гуруҳлари ва турлари бўйича ўсмалар тақсимоти, умумий қийматлар билан

2-жадвал

Касаллик босқичлари ва ўсма гистологик турлари тақсимоти

Жараён босқичлари	Муциноз карцинома	Ёруғ хужайрали карцинома	Сероз карцинома	Эндометриоид карцинома
IIIA	28	25	15	15
IIIB	28	17	18	22
IIIC	16	28	26	25
IV	9	25	16	10
χ^2 қиймати: 51.67; p-қиймат: 5.22×10^{-8}; эркинлик даражаси: 9				

Ушбу жадвал канцероматозли аёлларда саратон жараёнининг (IIIA, IIIB, IIIC, IV) босқичлари билан ўсма гистологик турлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. IIIC босқичида сероз карцинома кўпроқ учрайди, бу касалликнинг оғир шаклларига тўғри келади. Ёруғ хужайрали карцинома эса кўпроқ IV босқичда кузатилади. χ^2 таҳлили гистологик турларнинг босқичларга кўра тақсимланишида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар борлигини кўрсатди ($p<0.001$), бу касалликнинг прогрессиясидаги фарқларни тасдиқлайди.

Диссеминацияланган тухумдон саратони билан касалланган беморларда асосий клиник аломатлар қаторига қорин ҳажмининг орттиши (90%), холсизлик ва дармонсизлик (85%), қорин оғриғи (80%) ҳамда тана вазни йўқотилиши (75%) киради, камроқ тарқалган симптомлар эса ҳожатга чиқишда қийинчилик (30%) ва уйқусизлик (35%)ни ўз ичига олган; бу маълумотлар ташхис қўйиш ва паллиатив терапияда муҳим аҳамият касб этган. Беморлар клиник текширув ва жарроҳлик усуллари, жумладан лапаротомия, бачадон ва қўшни аъзоларни чиқариш, оментэктомия ва кичик чаноқ бўшлиқларини дренаж қилиш орқали баҳоланган; гистологик текширув эндометриоид карцинома диагнозини тасдиқланган (2-расм). Шунингдек, CD4+, CD8+, CD68+, HIF-1α, PD-L1 ва VEGF маркерлари иммуногистохимик таҳлил орқали баҳоланган, ўсмаларнинг иммун микромуҳити ва турли бемор гуруҳларида ангиогенез даражасини комплекс таҳлил қилиш имконини берган. Шунингдек, рак жараёни босқичи ва тухумдон саратонининг гистологик шакли ўртасидаги корреляция таҳлил қилинган (3-расм).



2-расм. Жараён босқичларига кўра карцинома тарқалиши



3-расм. Жараён босқичи ва тухумдон саратони гистологик шакли ўртасидаги корреляция

Серoз карцинома асосан IIIC-босқичда кенг тарқалган бўлиб, диссеминацияланган тухумдон саратонидаги устувор шакл эканини кўрсатган; эндометриоид ва муциноз карциномалар нисбатан камроқ учрайган, лекин улар ҳам IIIC-босқичда кўпайиш тенденциясини намоён этган, ёруғ ҳужайрали карцинома эса асосан IV-босқичда учрайган, бу унинг оғир кечувчи касаллик шакллари билан боғлиқлигини кўрсатган. Диаграмма ҳар бир гистологик турнинг касаллик босқичлари бўйича ҳолатлар сонидаги ўзгаришларни акс

эттирган, сероз карциноманинг IIIC-босқичдаги устуворлигини таъкидланган, бу маълумотлар турли гистологик шаклларнинг прогрессия динамикасини ва босқичлар билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил қилишда муҳим бўлган.

Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирган хулоса билан тугаган.

«Ўсма микромуҳитидаги иммун ҳужайралар» диссертациясининг учинчи боби бўлиб, назорат ва асосий гуруҳдаги беморлар учун ташхис ва даволаш методикалари баён этилган. Тадқиқот натижалари: ўсма микромуҳитида иммун ҳужайралар ва ангиогенез. Учинчи бобда тухумдон ракида микромуҳитининг иммун профили ва қон-томир (ангиогенез) компонентини ўрганиш натижалари келтирилган.

Иммун ҳужайралар ўсма микромуҳитини тартибга солишда асосий роль ўйнайди, улар ўсмага қарши фаолликка ҳам, иммун тизимнинг сусайишига ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу бўлимда диссеминацияланган тухумдон раки билан касалланган 135 нафар беморда CD4+, CD8+ Т-лимфоцитлар ва ўсма билан боғлиқ макрофаглар (CD68+) тарқалиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари тақдим этилган.



4-расм. CD4+ Т-лимфоцитларнинг тарқалиши

Ўсма микромуҳитида CD4+ Т-лимфоцитларнинг ўртача зичлиги 150 ± 25 ҳужайра/мм² ни ташкил этган бўлиб, энг юқори зичлик 25–40 ёшдаги беморларда (170±20 ҳужайра/мм²) қайд этилган. Ёш ортиши билан CD4+ ҳужайралар зичлиги пасайган, аммо ёш гуруҳлари ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас бўлган ($p=0.08$). CD8+ Т-лимфоцитлар ўртача (120±20 ҳужайра/мм²) зичликда бўлиб, юқори даражада дифференциялашган ўсмаларда (G1) энг юқори кўрсаткичлар қайд этилган (140±15 ҳужайра/мм²), паст даражада дифференциялашган ўсмаларда (G3) эса кескин пасайиб (100±10 ҳужайра/мм²) ни ташкил қилган ($p<0.05$), бу уларнинг цитотоксик

иммун жавобдаги муҳимлигини ва агрессив ўсмаларда камлиги иммун назоратдан қочиш механизмларини акс эттиришини кўрсатган. Ўсма билан боғлиқ макрофаглар (CD68+) ўртача (200±30 ҳужайра/мм²) зичликда бўлган, сероз карцинома ҳолатларида (220±25 ҳужайра/мм²), муциноз карцинома ҳолатларида (190 ± 20 ҳужайра/мм²) ни ташкил қилган. Некроз ва гипоксия ҳудудларида CD68+ ҳужайралар зичлиги (250 ± 35 ҳужайра/мм²) гача етган, уларнинг стресс шароитларига мослашуви, ангиогенез, тўқима ремоделлаш ва иммуносупрессиядаги роли намоён бўлган. Шу билан бирга, ёш беморларда CD4+ ҳужайралар юқори зичлиги сақланган иммун функцияни кўрсатган, CD8+ ҳужайралар агрессив ўсмаларда камлиги цитотоксик иммун назоратнинг пасайганлигини англатган, CD68+ макрофаглар эса гипоксия ва некроз ҳудудларида юқори даражада учраши билан ўсма микромуҳитини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнайган.

Тадқиқот натижалари ўсма микромуҳитидаги иммун реактивликни яхшилаш ва иммуносупрессияни камайтиришга қаратилган таргетли иммунотерапия усулларини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлаган.



5-расм. CD8+ ҳужайралар сони ва гипоксия даражаси (HIF-1α экспрессияси) ўртасидаги корреляция

Графикда иммун ҳужайралар зичлиги (CD4+, CD8+, CD68+) ва ўсмадаги гипоксия даражаси (HIF-1α экспрессияси) ўртасидаги корреляция коэффициентлари кўрсатилган: CD4+ Т-лимфоцитлар манфий корреляцияга эга (*r = -0,45;p = 0.02*), бу гипоксия шароитида ушбу ҳужайралар зичлигининг пасайишини кўрсатган. CD8+ Т-лимфоцитлар кучлироқ манфий корреляцияни намоён этган (*r=-0,65;p=0.01*), бу гипоксик зоналарда цитотоксик фаолиятнинг сезиларли даражада сусайишига далил бўлган. CD68+ макрофаглар эса ижобий корреляцияга эга (*r=+0,72;p=0.005*), бу уларнинг гипоксияга мослашиш ва микромуҳитни ремоделлаш жараёнларида фаол иштирокини тасдиқлаган.



6-расм. Иммун ҳужайралар зичлигининг ёш гуруҳлари бўйича фарқлари

Диаграммада турли ёш гуруҳлари бўйича CD4+, CD8+ ва CD68+ ҳужайралар медианаси, тарқоқлик ва эҳтимолий чиқиб кетувчи нуқталар кўрсатилган. CD4+ ҳужайралари энг юқори ва барқарор зичликни 25–40 ёшдаги гуруҳда намоён қилинилса, CD8+ ҳужайралар ёшга боғлиқ пасайиш ва катта ёшда тарқоқликнинг ортишини кўрсатган. CD68+ макрофаглар барча ёшларда юқори зичликда сақланиб, катта ёшда бироз пасайиш кузатилган.

3-жадвал

Иммун ҳужайралар зичлигининг ўртача қийматлари ёш гуруҳлари бўйича

Ёш гуруҳи	CD4+(ср.±SD)	CD8+(ср.±SD)	CD68+(ср.±SD)
25-40	170±15	130±12	210±20
41-55	140±15	110±8	200±15
56-70	120±10	100±9	190±18

Жадвалда ўсма микромуҳитида CD4+, CD8+ ва CD68+ иммун ҳужайраларининг ўртача зичлиги ва стандарт оғишлари келтирилган. CD4+ ва CD8+ ҳужайралар ёш ортиши билан пасайиш тенденциясини кўрсатган, энг юқори зичлик кичик ёшли гуруҳда қайд этилган, CD68+ макрофаглар эса барча ёш гуруҳларида юқори бўлиб, катта ёшда бираз камайиш кузатилган.

4- жадвал

Ёш гуруҳлари бўйича иммун ҳужайралар зичлигидаги фарқлар (ANOVA-тест)

Иммун ҳужайралар	F-қиймати	P-қиймати
CD4+	12.5	0.002
CD8+	10.8	0.005
CD68+	8.2	0.01

Жадвалда дисперсион таҳлил (ANOVA) натижалари келтирилган бўлган, унда ёш гуруҳлари орасида иммун ҳужайралар зичлигидаги фарқларнинг аҳамиятлилиги баҳоланган: CD4+: *F=12.5, p=0.002* — фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган. CD8+: *F =10.9, p=0.005* — аҳамиятли фарқлар мавжуд бўлган. CD68+: *F =8.2, p=0.01* — фарқ мавжуд бўлган, аммо камроқ ифода этилган. Ушбу натижалар ёш омили иммун ҳужайралар зичлигига таъсир кўрсатишини тасдиқлаган.

5-жадвал

Ҳужайралар зичлиги ва гипоксия (HIF-1α) ўртасидаги корреляция

Иммун ҳужайралар	Корреляция коэфициенти	95%CI	р-қиймати
CD4+	-0.45	(-0.65,-0.25)	0.02
CD8+	-0.65	(-0.80,-0.50)	0.01
CD68+	0.72	(0.60,0.85)	0.005

Жадвалда CD4+, CD8+ ва CD68+ иммун ҳужайраларининг гипоксия даражаси билан корреляцияси кўрсатилган: CD4+ ўртача манфий корреляция (*r =-0.45; p=0.02*), CD8+ кучли манфий корреляция (*r =-0.65; p=0.02*), CD68+ эса ижобий корреляция (*r=+0.72; p=0.005*) кўрсатган. Бу натижалар гипоксия шароитида CD4+ ва CD8+ ҳужайралар фаолиятининг пасайишини, CD68+ макрофагларнинг эса фаол жалб этилишини тасдиқлайган. Шунингдек, VEGF ва микроқон-томирлар зичлиги ўсма микромуҳитидаги ангиогенезнинг асосий маркерлари сифатида баҳоланган, ўсма тўқимасининг васкулярлашиши ва унинг ўсиш, инвазия ҳамда метастазга қобилияти билан боғлиқлиги аниқланган. Натижалар гипоксия, ангиогенез ва иммун ҳужайра фаолияти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ва диссеминацияланган тухумдон саратонидаги терапевтик ёндошувларни такомиллаштиришдаги аҳамиятини кўрсатган. Статистик таҳлил ANOVA ва корреляцион усуллар орқали амалга оширилган бўлиб, VEGF ва CD31 учун иммуногистохимик боёқлар қўлланилган, MVD эса ×400 катталаштиришда энг васкулярлашган 10 кўриш майдонида ҳисобланган.

